



Ижтимоий реестр хулосасини “еттилик” тасдиқлайди

2-с.

“Ортимда маҳаллам бор” деган қатъий ишонч янги марраларга қанот бўляпти

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№10
(2338)

2026 йил
7 ФЕВРАЛЬ,
ШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Мақсад аниқ қўйилса, натижадорлик ортади

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев Наманган вилояти маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди.



Уюшма раиси Норин туманидаги аввалги “Шўрарик” — ҳозирги “Янги Наманган” маҳалласида бўлди. Мазкур маҳаллада бугунги кунда 1 248 та хонадонда 5 286 нафар аҳоли истикомат қилмоқда.

Ўрганишлар давомида аҳоли билан мулоқот қилиниб, ҳудуддаги ривожланиш жараёнлари, хусусан, бунёдкорлик ишлари ва ижтимоий ислохотлар натижаси билан яқиндан танишилди. Маҳалланинг эски биноси бузиб ташланиб, унинг ўрнига уч қа-

ватли замонавий аҳолига хизмат кўрсатадиган маҳалла биноси қурилиши кўздан кечирилиб, ишларни сифатли яқунлаш бўйича тавсиялар берилди.

“Маҳалла еттилиги” вакиллари билан ўтказилган мулоқотда йил бошидаги хатловда аниқланган 94 нафар ишсиз фуқаронинг 18 нафари даромадли меҳнатга жалб қилинган, мавжуд 8 та камбағал оилани тадбиркорлик, доимий иш ва субсидиялар орқали бу тоифадан чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Еттилик” аъзолари фаолияти, режалари хусусида ўртоқлашди.

Шу билан бирга, “маҳалла еттилиги”га Президентимиз Мурожаатномаси мазмунини аҳолига содда тилда етказиш ва жиноятчиликдан холи ҳудуд мақомини сақлаб қолиш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Бу каби натижадор ишлар маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Давоми 2-саҳифада.



ЖАРАЁН

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУНИ!

НАВОЙ НАЗМИ ВА НАЗДИДАГИ МАҲАЛЛА ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Замонлар ўтади, вақт сув каби тезкор ва шиддатли. Бу тўлқинлар қанчадан-қанча хотира ва чизгиларни ўчирмайди, дейсиз. Лекин миллий қадриятлар, халқнинг азалий анъаналари ҳамда буюк сиймолар мангу барҳаёт.



Давоми 4-саҳифада.

Маҳалла тараққиёти учун ҳар бир хонадон ҳисоби муҳим

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёнларининг иккинчи босқичи давом этяпти, “маҳалла еттилиги” вакиллари уйма-уй юриб, рўйхатга олиш ишларини амалга оширмоқда.

Маълумки, рўйхатга олишнинг биринчи босқичи 2026 йилнинг 15-31 январь кунлари “census.stat.uz” портали орқали онлайн шаклда амалга оширилди. Атиги 17 кун ичида мамлакатимиздаги жами хонадонларнинг 82,3 фоизиди истикомат қилувчи 30 миллиондан ортиқ аҳоли саволномани онлайн тўлдириб, рўйхатдан ўтди.

Бу натижа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида ўзига хос рекорд сифатида қайд этилди. Таққослаш учун, Қозоғистонда 60 кунда аҳолининг 40 фоизи, Беларусь Республикасида 25 кунда 22 фоизи, Россияда эса 31 кунда 16 фоизи онлайн рўйхатдан ўтган.

Жараённинг иккинчи босқичи 4-28 февраль кунлари бўлиб ўтади. Саволнома жами 71 та саволдан иборат бўлиб, уларнинг 54 таси аҳолига, 17 таси қишлоқ хўжалигига оид маълумотларни қамраб олади. Аини вазиятда рўйхатга олувчилар — яъни “маҳалла еттилиги” вакиллари хонадонма-хонадон юриб, онлайн рўйхатдан ўтиш босқичида иштирок этмаган ёки саволномаларни хато ва камчиликлар билан тўлдирган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни планшет қурилмалари орқали электрон тизимга киритишади.

Давоми 2-саҳифада.



ОРЗУЛАР УШАЛГАНДА, ҲАЁТ ЯНАДА ЗАВҚЛИ



“ҲАЛОЛЛИК ВА ҚОНУНГА ҲУРМАТ ҲАЁТИМНИНГ МЕЗОНИГА АЙЛАНГАН”

БИРЛАШГАН — ЎЗАР, БИРЛАШМАГАН — ТЎЗАР

Жиноятнинг камайгани эмас, умуман бўлмагани муҳимроқ

Қайсики, ҳудудда ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш бўлса, кўряпмизки, ўша ерда “еттилик” елкадош, бирлашиб ишлайди. Шундай пайтда беихтиёр донишманд боболаримизнинг “Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар”, деган ҳикматли мақоли ёдга тушаверади.

Давоми 8-саҳифада.



Президент Шавкат Мирзиёев 5-6 февраль кунлари ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН Покистон Ислон Республикасида бўлди.



Давлатимиз раҳбари ИОРДАНИЯ ҲОШИМИЙЛАР ПОДШОҲЛИГИ Сенати Раиси Файсал Ақиф Мисқал ал-Фаёзни қабул қилди.



Президентимиз МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билан танишди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ЖАРАЁН

МАҚСАД АНИҚ ҚҲЙИЛСА, НАТИЖАДОРЛИК ОРТАДИ



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қаҳрамон Қуронбоев вилоятдаги Болалар ташкилоти сардорлари билан учрашди.

Ўзи ёш бўлишига қарамай, фикрлари теран ва қалб жўшқин йигит-қизлар билан суҳбат таклиф-мулоҳазаларга бой ўтди. Худудларда Болалар ташкилоти сардорлари фаолияти пухта йўлга қўйилгани, уларнинг ташкилий тизими самарали ва изчил ташкил этилгани ҳамда ҳақиқий лидерлар камол топаётгани алоҳида қайд этилди.

Навбатдаги манзил — Косонсой туманидаги “Намуна” маҳалласи.

Йигинининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати кўздан кечирилди. Маҳаллада 2 778 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худуд 14 та кўчани қамраб олган. Асосий “драйвер” — дехқончилик, чорвачилик ва паррандачилик бўлиб, ушбу йўналишлар аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Маҳалла жиноятчилик ва ишсизликдан холи худудга айланган, йил бошида рўйхатда турган 10 нафар ишсиз фуқаро бугунги кунда доимий ишли бўлган. Яъни маҳалла аҳолисининг бандлиги тўлиқ таъминланган. Шунингдек, “Камбағал оилалар реестри”да 13 та оила мавжуд бўлиб, уларни бу тоифадан чиқариш бўйича имтиёзли кредитлар, иш билан таъминлаш ва касб-хўнарга ўқитиш ишлари олиб борилмоқда.



Яна бир қувонарли хабар — худуддаги ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Республика Маънавият ва матрифта маркази яқин кунларда 500 донга турли жанрдаги бадиий адабиётларни олиб келиши режалаштирилган.

Уюшма раиси тумандаги “Тағижар” ва “Гузар” маҳаллалари фаолиятини ўрганди.

“Тағижар” маҳалласи бугун жиноятчилик ва ишсизликдан холи худудга айланган. Инфратузилма яхшиланиб, сув, электр ва йўл муаммолари ҳал этилган. Дехқончилик ва чорвачилик “драйвер”лари ҳисобига йил бошидаги 87 нафар ишсизнинг бандлиги 100 фоиз таъминланди. Реестрдаги 25 та эҳтиёмманд оиллага кредит ва касб-хўнара орқали кўмак берилмоқда.

“Гузар” маҳалласида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Йил бошида рўйхатда бўлган 42 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги тўлиқ ҳал этилди. 27 та камбағал оилани қўлаб-қувватлаш учун тадбиркорлик шароитлари кенгайтирилди. Худуднинг масъулиятли ёндашуви натижасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш кўрсаткичи тўлиқ бажарилди.

Ўрганишлар мисолида кўриниб турибдики, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш ва манзилли ишлаш — камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг самарали йулидир.

Маҳалла тараққиёти учун ҳар бир хонадон ҳисоби муҳим

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Айтиш керакки, рўйхатла олувчи “маҳалла еттилиги” тизимидаги 55 мингдан ортиқ ходим уч босқичли тренинглор орқали тайёрланди. Тайёргарлик ишлари доирасида 2025 йил декабрь ойида республика бўйича 7,6 миллиондан ортиқ турар жой объектиларининг GPS-координатлари аниқлаштирилди.

Жараённинг шаффоф ва тартибли ўтиши учун рўйхатга олувчиларнинг ҳаракатлари GPS орқали кузатиб борилади. Агар маълумотлар хато ёки камчиликлар билан киритилса ёки ходимлар белгиланган қоидаларга амал қилмасдан, хонадонга бормасдан саволномани тўлдирса, бундай маълумотларни тизим қабул қилмайди ва ходимлар планшети-га оғоҳлантириш юборилади.

Иккинчи босқичнинг дастлабки икки кунда 44,6 мингдан ортиқ хонадон қамраб олиниб, аҳолига оид маълумотлар планшет қурилмалари орқали электрон ахборот тизимига киритилди.

Рўйхатга олиш натижасида мамлакатнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ҳар жиҳатдан акс эттирувчи ишончли маълумотлар базаси шаклланади. Ушбу маълумотлар давлат дастурларини режалаштириш, инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилишда муҳим манба бўлади.

Рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари жорий йилнинг 1 июлига қадар, яқиний маълумотлар 2027 йил 1 июлига қадар эълон қилинади.



Маълумот учун, рўйхатга олиш тадбирида рўйхатга олувчи сифатида иштирок этадиган “маҳалла еттилиги” ходимлари Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир ярим баравари миқориди (ҳозирда 1 906 500 сўм) бир марталик рағбатлантирилади. Уларнинг асосий иш жойи, лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

ҚОНУНГА ТАКЛИФИМ БОР...

Қонун устувор меъёрлар билан тўлдирилиши зарур

Маҳалла тизимидаги ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори.

Энг аввало, қонунни “Рақамли маҳалла”га оид устувор меъёрлар билан тўлдириш лозим. “Рақамли маҳалла” платформасини бошқа тегишли давлат ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишларини ҳуқуқий таъминлаш зарур. Бошқача айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш тартиби ва

асосларига бағишланган меъёрларни белгилаш фурсати етди.

Замонавий рақамли бошқарув тизимини шакллантириш мақсадида келгусида маҳалла фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланишга оид мезонларни назарда тутиш замонавий рақамли технологик ўзгаришларга мос келади. Шунингдек, маҳалла кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида “маҳалла еттилиги” вакиллари махсус рақамли дастурий таъминотларга мувофиқ, даврий равишда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишни таъминлаш, фаолиятини илмий тадқиқ этиб ўрганиш зарур.



Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раисларини профессионал медиаторликка босқичма-босқич ўқитиб бориш, уни тугатганларнинг вояга етмаган фарзандлар учун ота-оналик ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ низо-лар бўйича медиаторлик фаолиятини бепул амалга оширишга замин яратиш керак.

“Маҳалла сервис компанияси”да ёшлар учун касб-хўнара ўқувлари, маиший хизмат шохобчаларини ташкил этиш, айниқса, мамлакатимиз ва дунёнинг нуфузли кутубхоналари билан рақамли интеграциялаштирилган кичик зие масканларини жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.



МОҲИЯТ

ИЖТИМОЙ РЕЕСТР ХУЛОСАСИНИ “ЕТТИЛИК” ТАСДИҚЛАЙДИ

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан “Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга индивидуал режа ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомлар тасдиқланди.



Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, ариза берувчи оиласини Реестрга киритиш учун Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли ташкилотга борган ҳолда ёки маҳалладаги ижтимоий ходим орқали мурожаат қилади. Ҳар бир оила ариза топширишни бир ойда бир марта амалга оширади. Дастлаб оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати баҳолашдан ўтказилади. Унинг натижаси бўйича ариза берувчининг оиласини “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топишни рад этиш учун асослар аниқланмаганда, ариза ижтимоий ходимнинг шахсий кабинетига саволнома тўлдириш учун юборилади.

Ариза берувчи тасдиқлаган саволнома ахборот модулида автоматик равишда “маҳалла еттилиги”га йўналтирилади. Хулосани “маҳалла еттилиги” тасдиқлагач, 3 иш кунини ичида оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати яқиний баҳолашдан ўтказилади. Реестрга оилалар “давлат таъминотидаги оила”, “камбағал оила” ва “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифаларига ажратилган ҳолда киритилади.




“Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга индивидуал режа ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, индивидуал режани ишлаб чиқиш мазкур оила “Ижтимоий реестр”га киритилган кундан бошлаб 10 иш кунини ичида амалга оширилади.

Индивидуал режа оиланинг имкониятлари, кўникмалари, қизиқишлари, фикри, яшаш шароити ҳамда Реестрга киритиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган хизматларга бўлган эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилади. “Маҳалла еттилиги” индивидуал режани икки иш кунини кўриб чиқиш, оддий кўпчиликнинг овозига асосан, уни тасдиқлаш ёки қайта кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилади.



Президент қарорига кўра, СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланади.



Йирик инвестиция лойиҳаларини тайёрлашда КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ СТАНДАРТЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.



Ўзбекистонда ИСЛОМИЙ БАНКНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА қаратилган қонун Сенатда маъқулланди.

2026 йил
7 ФЕВРАЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №10

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

ҲАР КУНИ БИТТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ ТАШАББУСИ

кўпчилиكنи оила бағрига қайтарди



Одамларни рози қилиш, улар эртага эмас, бугундан бахтли ва фаровон турмуш кечирिशлари учун зарур шароит яратиб бериш лозим. Бу вазифалар ижроси, аввало, маҳаллада бажарилади.

Мафтун МАМАСИДДИҚОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

||

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида инфратузилмани яхшилаш, камбағаллик ва ишсизликка барҳам бериш, жиноятчилик ҳамда оилавий ажралишларни камайитириш янада долзарблик касб этмоқда. Талаб битта — одамларнинг хотиржам яшashi, ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни куйи бўғиннинг ўзида ҳал этиш.

Айни шу талабдан келиб чиқиб, Фарғона вилоятидаги “маҳалла еттилик” ходимлари эзгу ташаббусни бошлашди. Ҳар куни камида бир нафар фуқарони иш билан таъминлашга киришилди. Натижа ёмон бўлмади. Жараёнда ўзаро кенгашиб, ҳамкорликда ишланаётгани учун ҳар

куни юзлаб иш ўринлари яратилди.

Муножат Ҳамдамова ташаббус ортидан ҳаёти ўзгариб, доимий иш ўрнига эга бўлганлардан. У Езёвон туманидаги “Юкори” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Уч нафар фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи кўп йиллар хорижда ишлаб келар эди. Утган йил якунида “еттилик” ходимлари унинг хонадонига бўлиб, турмуш шароитини ўрганди. Узаро суҳбатда маълум бўлдики, Муножат опа тадбиркорлик орқали оиласига қўшимча даромад келтириш билан бирга, турмуш ўртоғини ҳам оила бағрига қайтариш ниятида экан. Бу истак барчага маъқул бўлди. Шу боис маҳалла кўмакка келди. Қисқа фурсатда оилага имтиёзли кредит ажратилди. Фаолиятини бошлаши учун маҳалла худудидаги бўш бино бепул фойдаланишга берилди. Кўпнинг дуоси билан бошланган иш хайрли давом этди.

Барака — ҳалолликда, деганларидек, меҳнат мевасини кўп куттирмади. Бундан илҳомланган оила бошлиғи ҳам хориждан қайтиб келди.

21 ёшли Муҳаммадали Абужабборов туманининг “Ёшлик” маҳалласида яшайди. У ҳам мусофирликнинг машаққатини тоғиб, тиркичилик ташвиши билан ўзга юрда ишлашга мажбур бўлаётган эди. “Бир маҳаллада — ҳар куни битта иш ўрни” ширин остида бошланган ташаббус натижасида оиласи бағрига қайтди. Маҳалла масъуллари қизиқиши ва қобилиятини ўрганиб, кўмак беришди. Имтиёзли кредит ҳисобига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбчаси фаолиятини йўлга қўйди.

Гарчи оз муддат ўтган бўлса-да, вилоятдаги маҳаллаларда ишсизлик ва камбағаллик қисқариб, аҳоли ҳаёти фаровонлашди. Жиноятчилик, оилавий ажралишлар камайди. Агар рақамларга эътибор берсак, биргина Езёвон туманидаги 31 та маҳаллада январь ойининг ўзида 400 нафардан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланди. Вилоят миқёсида бу рақам янада салмоқли эканини кўриш мумкин. Яъни “еттилик” ташаббуси 6 минг нафар аҳолини иш билан таъминлади.

Бугун кичик оилавий корхонада турли пиширик ва қолипчилик маҳсулотлари тайёрланапти. Энг қувонарлиси, бу ерда қўшимча иш ўринлари ҳам яратилди.



ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Қимирлаган қир ошар, нақли бежиз айтилмаган. Аслида, минг йилларда синалган ҳаёт ҳақиқатлари ҳақида доно халқимиздан ортиб фикр айта олмаймиз. Шу нақлнинг нечоғли ҳақиқат эканига ўз тажрибамда гувоҳ бўляпман. “Ишлайман”, деган, интилган оилалар фаровонлашиб, даромади ошмоқда. Кичик томорқадан катта фойда олаётганлар кўп.

Меҳнат қилса, кафтдек ер ҳам рўзгорни обод қилади

Обид ЭРГАШЕВ, Тойлок туманидаги “Талли ота” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Яқинда томорқа, деганда йилда бир бор беда ўриб олинган экин майдони тушуниланган. Аҳоли мева, сабзавот, полиз экинларини бозордан сотиб олган. Ваҳоланки, шу маҳсулотларни ўзи етиштириш имконияти бўлган. Аммо шароит, қўллов йўқ эди.


Бугун муносабат ҳам, шароит ҳам, талаб ҳам бор. Энди чоғроқ ер, нафақат тирикчилик, балки тукилик манбаига айланган. У иқтисодий бойиш билан бирга, орзулар рўёби, умидлар майдони экани аён бўлди. Томорқаси бор одамнинг “ишсизман” ёки “камбағалман”, деб ўтириши уят. Меҳнат қилса, кафтдек ердан рўзгорни обод қилиш мумкин.

Худудимизда шу имкониятдан фойдаланиб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз. Жами 864 та хонадон бўлса, шундан 516 таси томорқачиликка ихтисослашган. Иссиқхонада сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Хонадон эгалари биринчи экинга эрта баҳорда ерга сабзи уруғи қадаса, кейинги босқичда бодринг, булғор қалампирни экади. Бир мавсумда 1 сотих иссиқхонадан 3 марта ҳосил олиш мумкин. Даромад эса 40 миллион сумни ташкил этади.

Мақтанлишга йўймангуну бу натижалар чегара эмас. Шу боис яна янги режалар ишлаб чиқдик. Ижара асосида берилган 35 гектар ерда ҳамда 20 та хонадонда янги иссиқхоналар қуряпмиз.



Саидамир Оқилов — тажрибали томорқачи. Хонадонидидаги 10 сотихли иссиқхонада уруғчилик билан шуғулланади. Йил давомида аҳолига сабзавот маҳсулотлари кўчатини етказиб беради. Декабрь ойидан июнь ойигача тиним билмайди. Йилига 2 миллион дона кўчат етиштириб, сотади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло Абдурахмонов тайёрлади.

“БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!”

САМАРАЛИ ЛОЙИҲА САРГАРДОН ТУРМУШГА ЧЕК ҚЎЙДИ

Ҳаётда тайинли касб-корга эга бўлиб, ўз йўлини топгунча инсон кўп машаққат, синовларда тобланади, қийинчиликка дуч келиши мумкин. Ҳеч ким ўзидан ўзи тадбиркор бўлиб қолмайди. Ана шу қийинчиликларга чидаб, ундан керакли сабоқ олганлар ишсизлик ва даромадсизликдан чиқа олади. Кечаги ва бугунги ҳаётимизни таққослаб, шу хулосага келдим.



Дилдора ХОЛМУРОДОВА, Ҳузур тумани “Мустақиллик” маҳалласидан.

Турмуш ўртоғим иккимиз тайинли ишнинг бошини тутмаганимиз, қўлимизда хунаримиз бўлмагани учун ишсизлар сафида эдик. Шу сабабли турмуш ўртоғим хорижга ишлаш учун жўнади. Бир муддат мусофирликда меҳнат қилди. Аммо “ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу та-

розу” деганларидек, ўйлаганимиздек бўлмади. Топгани ўзидан ортмас эди. Не қиларимни билмай ўйлаб турганимда, хонадонимизга маҳалла ходимлари келишди. Қизиқишимни ўрганиб, даромад топиш учун таклифлар беришди.

Уларга беданачилик йўналишида фаолият бошлаш ниятимни айтдим. Агар молиявий кўмаклашилса, хорижда ишлаётган турмуш ўртоғим ҳам ватанга қайтишини билдирдим. Шу тарзда “еттилик” тавсияси билан менга имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга бедана ҳамда чорва

моллари сотиб олдик. Натижада оиламизнинг 4 нафар аъзоси доимий ва даромадли иш билан таъминланди. Ҳозир 800 та беданадан кунига 500 тадан туҳум оламиз. Даромаддан уй-жойимизни таъмирладик. Яқинда фаолиятимизни кенгайтириш учун инкубатор ускунаси сотиб олдик. Андижон вилоятидан яна 1,5 минг дона бедана харид қилдик.

Кўрганингиздек, маҳалла ҳар бир хонадонга кириб борапти, ҳар бир инсон муаммосига ечим излаяпти. Буни ўз тақдиримда кўриб, гувоҳ бўлдим.

“Еттилик”нинг ташаббуси билан бошланган бир лойиҳа оиламиздаги иккита муаммо — ишсизликка барҳам бериб, турмуш ўртоғимни миграциядан қайтишига кўмаклашди.



СЎНГИ САККИЗ ЙИЛДА 120 миллион квадрат метр ёки 600 мингдан зиёд хонадонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани ўртасидаги 40 гектар бўш ер майдонида ЯНГИ ЖИЗЗАХ ШАҲРИ қурилади.



2025 йил 59 нафар СУДЬЯ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ. Улардан 3 нафари коррупцион ҳолатларда айбланган.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН!



НАВОЙ
НАЗМИ ВА НАЗДИДАГИ
МАҲАЛЛА
ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида қўшничилик ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларга катта урғу беради. Унинг фикрича, ҳақиқий инсон ўз маҳалладошларининг дарди билан яшаши керак. Саховат ва мурувват, аввало, энг яқин бўлган маҳалла аҳлидан бошланиши лозим.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



икримизни янада аниқроқ баён этадиган бўлсак, жорий йилда таваллудининг 585 йиллиги нишонланадиган буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг биз авлодларга мерос қилиб қолдирган бебаҳо хазиналари битмас-туганмас. Қайси соҳани олиб қараманг, унинг ўзига хос ёндашуви ва қарашлари борлигига ғувоҳ бўламиз.

Шу маънода забардаст ижодкорнинг маҳалла тизими ҳақидаги мулоҳазалари, унинг ривож учун қўшган

улки ҳиссаси алоҳида эътиборга молик. Буюк шоир ва давлат арбоби ўз асарларида ҳам, ҳаётий фаолиятида ҳам маҳаллани жамиятнинг тамал тоши, аҳиллик ва тарбия маскани сифатида улуғлаган.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” асарида “Маҳалла — шаҳар ичидаги шаҳарча”, деган таърифни келтирган. Унда ўрта асрларда “Ҳири” деб аталган Ҳирот шаҳри юзта катта-кичик “шаҳарча”, яъни, маҳаллалардан ташкил топгани ёзилади. Шунингдек, уларнинг худуди, фуқароларнинг ҳаёт кечириши, фаолияти билан боғлиқ бинолар, масжид, бозор, чойхона, дўкон, ҳам-

мом, сартарошхоналар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Алишер Навоий яшаган даврда маҳаллалар нафақат аҳоли истиқомат қиладиган маскан, балки хунармандчилик ва маданият марказлари бўлган. Шоир ўз маблаглари ҳисобидан бу гўшаларда халқ учун хизмат қиладиган кўплаб иншоотлар қурган. Хусусан, у бунёд этган шифохоналарда одамлар саломатлигини тиклаган, мадрасаларда маҳалла аҳли илм олган.

Шу тарзда худудлар инфратузилмаси ўзгача қиёфа касб этган.

Бобокалонимизнинг биргина шу ёндашувидан олам-

олам маъно англаш мумкин. Демакки, ҳар биримизнинг мамлакат ривожига муносиб ҳиссамиз бўлиши керак. Майли, битта ғишт ёки бир челақ лой билан бўлсин, бунёдкорликка қўшилган ҳисса йиллар ўтиб, номимизни қалбларга мангу муҳрлайди. Бу инсонпарварлик тамойили замирида одамларга эзгулик улаштириш, уларнинг мушкулликни осон қилишга қўмаклашиши каби мақсадлар мужассам.

“Одавий эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами” мисралари битилганига неча асрлар бўлса ҳамки, ўз аҳамияти ва долзарблигини сира йўқотмаган.

Шоир ижодига улуғланган комил инсон гоёси маҳалла муҳитида — жамоат ичида сайқалланади.

Навоийнинг қарашларида маҳалла “қатта оила” ҳисобланади. У ердаги кексаларнинг панд-насиҳати ёшларнинг муносиб тарбия қўришида тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Бугун юртимизда Алишер Навоий номи билан аталадиган юзлаб маҳаллалар бор. Бу шунчаки ном эмас, балки шоир илгари сурган “инсон қадри”, “ижтимоий ҳамкорлик” тамойилларини маҳалла тизимида давом эттириш рамзидир.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида буюк бобокалонимизнинг қўтлуғ таваллуд айёмларини маҳаллалар, таълим-тарбия масканлари, меҳнат жамоалари, зиёлиларимиз, хориждаги элчихоналар, умуман, бутун халқимиз юксак даражада нишонлаши кераклигига алоҳида урғу берилган. Шундай экан, бу улуғ санани муносиб тарзда ўтказиш орқали ёшлар қалбига тарихий сиймоларимизга ҳурмат ва эҳтиромни шакллантириш зиммамиздаги муҳим вазифалардан биридир.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

“АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР”

Тажриба ва ташаббусни ўрнат қилиб кўрсатгандик, **бизнесини бошлаган опа-сингиллар кўпайди**

Яхши ҳамки, маҳалла тизимида иш бошлаган эканман. Халқ билан бирга ўтказган ўн олти йиллик умрим давомида ўзим учун ҳаётнинг янги қирраларини кашф этдим. Одамларнинг феъл-атвори, яшаб шароитлари билан танишиш асносида тажрибам янада ортди.

Барноҳон ТҶИЧИЕВА, Булоқбоши туманидаги “Буюк турон” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Бугун худудимизда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаронинг уй-ташвиши, муаммоларига ошноман. Уларнинг биз, “еттилик” вакиллари билдирган ишончи ечимни қийин бўлган масалаларни ҳам муносиб ҳал қилишимизда дастак бўляпти.

Айни вақтда худудимизда 2 263 нафар хотин-қиз истиқомат қиладиган бўлиб, уларнинг кўпчилиги миллий хунармандчилик билан шуғулланади. Ҳалол меҳнат ва касбига бўлган муҳаббат уларни фаровон турмушга замин яратмоқда.

Маҳалладошимиз Вилоятхон Тўраева бундан беш йил аввал 10 миллион сўм имтиёзли кредит билан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлаган эди. Қисқа фурсат ичида турмуш ўртоғи ва икки нафар ўглининг кўмаги билан бир-бирдан сифатли ва ўзига хос дизайнга эга бўлган мебеллар ясаб, харидорлар эътиборини қозонишга эришди.

Бугунги шиддатли ва тезкор замонда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Шу мақсадда оилаларга кирганда, ота-оналарга бу бўйича қўп тавсиялар берамиз. Уғил ёки қизимизнинг етук шахс сифатида вояга етиши учун уларнинг ҳар бирига меҳр бериш баробарида дўстдек яқин инсонга айланишимиз зарур. Босаётган ҳар қадамидан хабардор бўлиб туриш, хатоларининг олдини олишимизга ёрдам беради.

Ўтган йили яна маҳалла тавсияси билан 80 миллион сўм кредит олиб, фаолиятини анча кенгайттирдим. Айни вақтда фарзандлари ва келинлари билан бирга буюртмаларни пешма-пеш тайёрлаб беришяпти. Бундан ташқари, оила вакиллари “Устоз-шоғирд” тамойили асосида 4 нафар ёшнинг хунар эгаси бўлишига муносиб ҳисса қўшяпти.

Шундай ташаббускор ва ўз устида ишлаб чарчамайдиган опа-сингилларимизни

кўрганда, менинг ҳам қандайдир янгиликлар қилишга иштиёқим ортади. Шу боис улар билан кўпроқ вақт ўтказишга, қизиқишларига ошно бўлишга ҳаракат қиламан. Қолаверса, уйда бекор ўтирган хотин-қизларга тадбиркорлар тажрибасини намуна қилиб кўрсатамиз. Бу ёндашув яхшигина самара берапти. Охириги уч-тўрт йил ичида янги бизнес бошлаган опа-сингилларимиз сафи анча кенгайди.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Кундалик турмушимизда хонадонимиз, уй-рўзгоримиз, тўй-ҳашам ва маъракаларимизни қўл меҳнати намуналари — кўрпа-кўрпача, парда, ёстиқ, дастурхон ва шунга ўхшаш чеварлик буюмларисиз тасаввур қилолмаймиз.

ДУГОНАЛАР ҚЎЛИГА ИП-ИГНА ОЛГАНИДА...

Гулмира ЯХШИЕВА, Пешку туманидаги “Навбахор” маҳалласи раиси.

Шу боис, азалдан бизда халқ амалии санъати турларидан тикувчиликка талаб ва эҳтиёж юқори бўлган. Маҳалламизда яшовчи Лайло Бобоева ҳам ёшлигидан игна-қатимга ошно тулган, тикувчиликка меҳр қўйган. Кейинги йилларда ёш чевар буюртмачилар талабига мувофиқ кўрпа-ёстиқ, кўрпача, дастурхон каби зарур буюмларни бежирим тикиб, ўзига хос аёллар тадбиркорлигини йўлга қўйиб, маҳалладошлари эътиборига тушган.

Лайло Бобоеванинг тикувчилик фаолияти худудда аёллар

бандлигини таъминлаш, касб-хунарга жалб этиш ва оилавий даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли. У ўз меҳнати туфайли барқарор даромад топиб, шу билан бирга, яна 4 нафар аёлни доимий иш билан таъминлашга хисса қўшмоқда.

Кичик корхонага айланган Лайло Бобоеванинг уйда ҳар куни тайёрланаётган ўнга яқин кўрпача, кўрпа, ёстиқлар ошно эришляётган моддий манфаатдорлик бир миллион сўм атрофида. Янгича андозадаги бундай тўшамаларни буюртмачиларга етказишдан чеварлар жамоаси ҳар ойда 20 миллион сўмдан кўпроқ даромадни қўлга киритяпти. Албатта, ҳалол меҳнат ортидан тикувчи дугоналар оиласига қўшимча фойда киритаётганидан хурсанд.





ФАРФОНАДА
янги IT-парк,
Марғилонда
халқаро
IT олийгоҳи
ишга
туширилади.



Гаровга
қўйилган мулкни
НОҚОНУНИЙ
ТАСАРРУФ
ЭТГАНЛИК учун
маъмурий
жавобгарлик
жорий этилади.



Мактабгача
таълим қамрови
паст ҳудудларда
ХУСУСИЙ БОҒЧА
ОЧАЁТГАН
тадбиркорларга
имтиёзлар
берилади.

2026 йил
7 ФЕВРАЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №10

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Дилбар БОЙИРБЕКОВА.
Навоий вилояти:

— Мен 20 ёшдаман, болалик пайтимда ота-онамдан айрилганман ва давлат муассасасида тарбияланганман. Ҳозир ишлайман, лекин ўзимнинг шахсий уйим йўқ, ижарада яшайман. Шу ҳолатда мен уй-жой билан таъминлашни сўраб, мурожаат қилишим мумкинми?

Болалар уйида катта бўлганларга тураржой бериладими?



Қахрамон РАЖАБОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Сиз агар болаликда ота-онангиздан айрилган ва давлат муассасасида тарбияланган бўлсангиз, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланиш имконига эга-сиз. Бу моддага кўра, давлат ёки маҳаллий ҳокимлик сиз каби етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларни тураржой билан таъминлаш мажбуриятини олади.

Шу боис, уй-жой билан таъминланиш учун сиз аввал яшаш жойингиз бўйича маҳаллий ҳокимликка ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига расмий мурожаат қилиб, шахсий маълумотларингизни ва эҳтиёжингизни тақдим этишингиз керак. Мурожаат натижасида сизга турли кўмак чоралари — масалан, ижара уй ёки давлат тураржойи билан таъминлаш белгиланади. Агар ҳокимлик тарафидан кечиктириш ёки рад этиш ҳолати юз берса, сиз суд ёки ошбу судман орқали ҳам ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилишингиз мумкин.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

“Ортимда маҳаллам бор” деган қатъий ишонч янги марраларга қанот бўляпти



Маҳаллада аҳиллик бўлса, ҳаётнинг ўзи бошқача ранг олади. Кимнингдир бир муаммосига ше-рик бўлсанг, кунлар ўтиб кўз-кўзга тушганида дилингда ўша инсонга нисбатан илиқлик пайдо бўлади. Худди оға-инингнинг кўргандек, юзингга беихтиёр табассум югуради.

Сафар ЖУМАЕВ,
Ғузор туманидаги
“Жарарик” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Мен ёшлар етакчиси сифатида шуни чуқур ҳис қиламан: маҳалладаги ҳар бир йигит-қиз — менинг иним, синглим. Бизнинг маҳаллада бир қоида бор: бир ёшнинг муаммоси — ҳаммамизники. Қандай кўмак керак бўлса, маҳалла фаоллари бир-лашамиз, маслаҳатлашамиз, йўл топамиз. Мақсад битта — ўша ёшнинг тақдирини ижобий бурилиш ясаш.

Бунинг ёрқин мисоли — ёш тадбиркоримиз Азизбек Бобомуродовнинг ташаббуси. У бозорларга сифатли ва арзон гушт маҳсулотларини етказиб бериш ниятида 400 тонна сифтли замонавий музлаткич барпо этди. Бу нафақат тадбиркорлик госяси, балки маҳалламиз учун катта ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа бўлди. Натижада 10 нафар иш-сиз ёшнинг бандлиги таъминланди, уларнинг ҳаётида янги саҳифа очилди.



Албатта, умумий қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган лойиҳа осонликча амалга ошмади. 1 миллиард сўм кредит ва 500 миллион сўм ўзининг маблағини жалб этиш жараёни синовларга бой бўлди. Лекин биз, маҳалла фаоллари бир бўлиб қўлни қўлга бердик, кўнгилни кенг қилдик. Кредит олиш жараёнида тортиб, бугунги кунгача фаолиятини йўлга қўйгунча Азизбекнинг ёнида турдик. Бир кун ҳам ёлғиз қолдирмадик, хужжатида ҳам, маслаҳатида ҳам суянч бўлдик.

Янги барпо этилган музлаткич фаолияти ва ёш тадбиркорнинг аниқ режалари туман ҳокимининг ҳам эътиборини тортиди. Бу эътибор эса яна бир имконият эшигини очди. Азизбек келгусида хориддан насли чорва молларини олиб келиб, аҳолига янада арзон ва сифатли гушт маҳсулотларини етказиб бериш нияти борлигини билдирди. Бу режа нафақат менга, балки ҳокимлик мутасаддиларига ҳам маъқул бўлди. Натижада у “Озиқ-овқат деҳқон бозори”да арзонлаштирилган гушт савдо марказини ташкил этиш имкониятини қўлга киритди.

Мен шуни қатъий айта оламани, бундай лойиҳалар бир йигитнинг эмас, бутун маҳалланинг ютуғидир. Улар ёш тадбиркорларнинг фаровон келажагини таъминлаш билан бирга, туман аҳолисини зарур ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, бундай ишлар ёшларимизга: “Мен ёлғиз эмасман, ортимда маҳаллам бор”, — деган ишончини беради.

ИМКОНИАТ

“КЕЛАЖАК” ЧУҚУР БИЛИМ, КУЧЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИГА ТАЙЁРЛАЙДИ

Бугунги кунда дунё тез суръатларда ривожланмоқда, замонавий касблар ва технологиялар ёшлар олдида янги талабларни қўймоқда. Шу шароитда фақат мактаб таълими билан чекланиш ёш авлодни келажақ рақобатига тайёрлашда камлик қилади.

Асадбек ЮСУФБОВЕВ.

Айнан шу вазиятда Вазирилар Маҳкамасининг 2025 йил 10 декабрдаги тегишли қарорига мувофиқ, вилоят, туман ва шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаблари негизда ташкил этилган “Келажақ” марказлари ёшлар учун низоҳат зарур ва стратегик аҳамиятга эга.



Марказдаги иқтидорли ўқувчилар ўз натижалари билан ажралиб туради.

Урганч шаҳридаги “Гулзор” маҳалласида жойлашган “Келажақ” марказида бугун 30 га яқин тўғарақ фаолият юритади, 700 нафарга яқин ўқувчи STEAM, робототехника, сунъий интеллект, дастурлаш, инженеринг ва мобилография каби истиқболли йўналишларда ўз билимларини оширади. Ҳар бир дарс, ҳар бир машғулот ўқувчиларда фақат билим эмас, балки муаммоларни ҳал этиш қобилияти, креатив фикрлаш ва ўзини намоён этиш имконини беради.



Масалан, “Шахмат” тўғарақи раҳбари Бекпошшо Худайберганаева бошчилигида ўқувчилар республика ва Осиё миқёсидаги мусобақаларда голиб бўлмоқда. Унинг шогирдлари Шерзодбек Юсупов, Зебинисо Комилжонова, Муродбек Қувондиқов каби ёшлар ана шу голиб ва совриндорлар сафидан жой олган. Бу эса марказнинг нафақат билим берувчи, балки рақобатга тайёрловчи ва ўқувчиларнинг келажагини шакллантирувчи муҳим маскан эканини тасдиқлайди.

Шубҳасиз, “Келажақ” маркази, бу — фақат таълим муассасаси эмас, балки ҳар бир ёшнинг келажақ салоҳиятини кашф этадиган маскан. Бу ерда ҳар бир ўқувчи ўз орзусига яқинлашади, ўз истеъдодини кашф этади ва эртанги кун бунёдкори бўлишга тайёрланади.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Қисқа вақт ичида “Гулҳаё ателье” маҳалладаги ишсиз аёллар ва ёшлар учун иш ўрнига айланди. Айни пайтда цехда тикувчилик хунарига эга бўлган 3 нафар аёл доимий иш билан таъминланган. Шу билан бирга, улар қўли остида 8 нафар ёш қиз шогирд сифатида касб сирларини пухта узлаштирмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, цехда ҳар кун иш қизгин. Бежирим, замонавий андозада тайёрланаётган аёллар либосларига талаб ортиб бормоқда. Кўшини маҳаллалардан ҳам буюртмалар сони кўпайган. Бир ойда тикувчилар юзтага яқин кийим-кечак маҳсулотини тайёрлаб, уларнинг умумий қиймати қарийб 20 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бу эса жамоада меҳнат қилаётган аёлларнинг иш ҳақини меҳнатига яраша таъминлаш имконини бermoқда.

Албатта, бундай ташаббуслар нафақат бир оилани, балки бутун маҳаллани обод ва фаровон қилишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Миллий либосдаги гулга Гулҳаёнинг меҳри тушган

Пешку туманидаги “Янгибозор” маҳалласида яшовчи ёш ташаббускорлар сафида Гулҳаё Жаҳонованинг интилиши алоҳида эътирофга лойиқ. У ёшлигиданоқ тикувчилик хунарига меҳр қўйиб, устозидан сабоқ олишни ҳаётининг муҳим мезонига айлантирган.



Асал ЮСУПОВА.


Кизиқиши ва интилиши уни катта мақсадлар сари етаклади. Илгари уй шароитида яқка тартибда аёллар либосларини тикиб келган Гулҳаё бугунга келиб ўз маҳалласидаги Амир Темура кўчасида жойлашган, узоқ вақт қаровсиз ётган бинони ижарага олди. Маҳалла етакчиси кўмагида у ерда “Гулҳаё ателье” номли чеварлик цехи ташкил этилди.



— Бунгача уйда ишлаб келгандик, — дейди ёш тадбиркор. — Маҳалламиз кўмагида бўш турган бинодан жой ажратилиб, имтиёзли тартибда 50 миллион сўм кредит берилгани биз учун катта рағбат бўлди. Бу маблағга оилавий жамғармамиздан яна 50 миллион сўм қўшиб, цехни тўлиқ таъмирладик, замонавий жиҳозлар олиб келдик. “ЯСК” русумли тикув машиналари, зарур анжомлар ва мато-хомашё харид қилинди.



Хусусий мактаблар ва боғчаларга БИР ЙИЛЛИК МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ гуруҳларини очишга рухсат берилди.



Ўзбекистонда 2026 йилда НАРКО ЭКСПРЕСС-ТЕСТЛАР ишлаб чиқарилади ва ундан оммавий фойдаланилади.



Тадбиркорларга хавфсиз ОЗИҚ-ОВҚАТ маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича МАЖБУРИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ.

6

Mahalla №10

2026 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

Ўзгалар ҳаётида ўзгариш яшаш қийин, аммо уйдан қочиб, бу — бизнинг вазифамиз!

Ижтимоий ҳимоя, бу — фақат моддий ёрдам эмас. Унинг замирида инсонни тинглаш, тушуниш, муаммоларга муносиб ечим топиш ва кўмакка муҳтож кишилар ҳаётида ижобий ўзгариш яшаш мақсади мужассам. Гарчи мазкур адо этиш масъулияти қанчалик қийин бўлмасин, ҳаракат ва интилиш билан барчасини уйдан қочиб қилиш мумкин.



Венера АЛИМҚУЛОВА, Сирдарё туманидаги “Тадбиркор” маҳалласи ижтимоий ходими.

Халқимизда “Бирлашган узар — бирлашмаган тузар”, деган нақл бор. Шу маънода маҳалламиздаги 2 749 нафар аҳоли, 812 та оила вакиллари билан дардига қулқул тутиб, ечимларини “еттилик” ходимлари билан узаро ҳамкорликда ҳал қиляпмиз.

Бу ҳудуддаги ижтимоий муҳитни таҳлил қилиш, эҳтиёж-маддларни аниқлаш ва уларга давлат тақдим этаётган кафолатланган ёрдамларни етказишда кутилган самарани берапти. Маҳалладаги оилаларнинг 51 таси кам таъминланган, 45 таси болалар нафақаси ва 108 таси ижтимоий нафақа олади. Шунингдек, 92 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган. Бу рақамлар ортида юзлаб ҳаётий тақдирлар, турли муаммолар ва умидлар бор. Шу сабабли ижтимоий ходимнинг ҳар бир муро-

жаатга алоҳида ёндашуви муҳим аҳамият касб этади. Фаолиятимизнинг охириги бир ойида 30 нафар, ўтган йил давомида эса 285 нафар фуқарога ижтимоий хизмат ва ёрдам берилди. Хусусан, 35 та ҳолатда моддий ёрдам кўрсатилиб, оғир турмуш шароитида яшаватган оилаларнинг энг зарур эҳтиёжларини қоплашда амалий кўмак берилди. Шунингдек, саломатлик билан боғлиқ муаммолари бўлган 11 нафар фуқарога тиббий-ижтимоий хизматларга йўналтирилди.



Фуқароларнинг ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш ва муаммоларини қонун доирасида ҳал этиш мақсадида 10 та ҳолатда ҳуқуқий ёрдам берилди. Шу билан бирга, ҳаётдаги турли қийинчиликлар сабаб руҳий тушкунликка тушган ёки қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бир неча инсонга психологик ёрдам кўрсатилиб, улар билан махсус машғулотлар ташкил этилди.

Бу кўрсаткичлар ижтимоий ҳимоя тизими фақат нафақа ёки моддий ёрдам билан чекланиб қолмаслигини, балки инсоннинг ҳаётини яхшилашга қаратилган комплекс ёндашув шаклланиши кўрсатади. Ижтимоий ҳимоя тизимининг яна бир муҳим ва ўзига хос жиҳати шундаки, бугун давлат ажратган ёрдамлар манзилли, шаффоф ва ҳақиқий эгаларига етиб бормоқда. Кўпчилик ёрдам олиш учун қаерга мурожаат қилишни билмаслиги мумкин. Биз эса фуқаронинг олдида ўзгариш борамиз. Муаммосини ўрганишимиз, ҳужжатларини тўғрилашга кўмаклашамиз, тегишли идораларга йўналтираемиз. Энг асосийси, инсонлар ўзини ёлғиз ҳис қилмаяпти.

БИР ХИЗМАТНИНГ ЎН ИМКОНИЯТИ

Шофиркон туманидаги “Ғуломте” маҳалласида истиқомат қилувчи Нигора Қурбонова икки нафар фарзанднинг онаси бўлиб, оиланинг асосий боқувчиси ҳисобланган турмуш ўртоғи мавсумий ёлланма ишчи сифатида фаолият юритади. Моддий аҳволи оғирлиги сабабли ушбу хонадон кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Нигора Қурбонованинг фарзандларидан бири — Умида 2019 йилда туғилган бўлиб, болаликдан ногиронлиги мавжуд. Мазкур оиланинг муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида маҳалла ижтимоий ходими Нозима Ғиёсова алоҳида хизматлар режасини ишлаб чиқди ва режага мувофиқ, бир қатор амалий ишлар олиб борди. Хусусан, болаликдан ногиронлиги бўлган Умида белгиланган тартибда тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди ҳамда унинг саломатлигини яхшилаш ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида кундузги парварошлар хизматида жалб этилди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳомиёларни жалб қилиб, боланинг даволаши учун зарур дори-дармон воситалари олиб берди.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ!

Орзулар ушалганда, ҳаёт янада завқли

Инсон қадр-қиймати ҳамма нарсадан устун. Унга қанча меҳр ва мурувват кўрсатилмасин, оз. Шу маънода ижтимоий хизмат ва ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш давримизнинг энг муҳим масалаларидан бирига айланган.

Жулдуз ОНГАРБАЕВА, КеҒейли туманидаги “Оқтуба” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республикамиз бўйлаб кундузги парварош хизмати йўлга қўйилди. Бундай лойиҳалар хусусий шерикчилик асосида, давлат субсидияси орқали амалга оширилмоқда.



Маҳалламизда тадбиркор Нодира Утепова ташкил этган “Бахтли болалик” кундузги парварош маркази шулардан бири. Марказ 45 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда махсус таълим ва реабилитация хизматлари кўрсатиляпти. Болалар кун давомида тўққиз соатлик индивидуал ўқув дастурлари билан қамраб олинган. Машғулотларни малакали логопед, педагог ва психолог олиб борапти.

Мазкур хизматдан фойдаланаётган оналарнинг айтишича, авваллари бундай болалар фақат уйда ўтирар, жамиятдан ажралиб қолган. Янги ижтимоий ҳимоя тизими яратиб берган имкониятлар туфайли энди улар ҳам жамиятнинг фаол аъзосига айланыпти. Болаларнинг орзуси ушалапти. Бу ўзгаришлар ногиронлиги бўлган фарзанд парварошлаётган оилалар учун жуда катта мадад ва таскиндр.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

ИНСОН ҲАМИША ҚАДР ВА ЭҲТИРОМГА МУНОСИБ

Сўнги йилларда дунё миқёсида кексайиш билан боғлиқ нейродегенератив касалликлар: Деменция, Альцгеймер ва Паркинсон хасталиклари “юқумли бўлмаган пандемия” сифатида эътироф этилмоқда.

Моҳиғул ҚОСИМОВА, журналист.

Ушбу касалликлар нафақат инсоннинг хотирасини, балки унинг шахсият сифатида ўзини ўзи бошқариш қобилиятини ҳам емириб боради. Илгари бу фақат “қарилик белгиси”, деб қаралган бўлса, бугунги тиббиёт мазкур жараёни мия ҳужайраларининг патологик нобуд бўлиши сифатида таснифлайди. Афсуски, ҳозирги кунда ушбу хасталикларни бутунлай даволаб бўлмайди, бироқ эрта босқичда тўғри парварош ва ижтимоий мулоқот орқали касаллик кечишини 30-40 фоизгача секинлаштириш мумкин.

Баъзан инсон шу даражада имконсиз ва ҳимояга муҳтож бўлиб қоладики, унга яқин инсонлари ҳам ёрдам беролмайди. Шундай вазиятда мутахассислар кўмагига эҳтиёж туғилиши табиий. Айниқса, кекса ёшдаги хасталик билан курашаётган фуқаролар учун бу катта аҳамиятга эга.

Натижада беморлар жамиятдан узилиб қолмайди. Кундузги марказлардаги ижтимоий фаоллик ва махсус машғулотлар мия фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, бемор яқинларининг бири унинг парвароши учун ишини ташлашга мажбур бўлмайди.

Шунингдек, эндиликда реестрга киритилган шахсларнинг яшаш шароитларини ҳар чоракда қайта баҳолаш ёки йиллик тиббий кўриқ жадвалларини тузиш каби тўсиқлар бекор қилинди. Ушбу ислохот “Инсон қадрини ўқун” тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг сифат жиҳатидан янги, халқаро мезонларга мос босқичга чиқаётганидан далолатдир.



Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги “Ҳуқуқатининг айрим ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорини асос қилиб, Паркинсон ёки Альцгеймер ташхиси қўйилган шахслар учун кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати йўлга қўйилди.



Оилани иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиси аёлга уй шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун субсидия асосида печь олишига кўмаклашди. Бу эса оиланинг даромадини ошириши ва моддий аҳволини яхшилашга хизмат қиляпти.

Бундан ташқари, мазкур хонадон вакилларига болалар нафақаси тайинланди. Нигора Қурбонованинг бандлиги таъминланиб, у кундузги парварошлар хизматида ишга жойлаштирилди. Шунингдек, оилани табиий газ ва электр энергияси учун компенсация тўловлари расмийлаштирилди. Амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар натижасида оиланинг ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланиб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фарзандларининг саломатлигини ва келажагини таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Бу каби манзилли ва тизимли ёрдамлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.





АҚШ
Ўзбекистон билан
МУҲИМ
МИНЕРАЛЛАР
БҮЙИЧА англашув
меморандумини
имзолади.



Эндиликда
ер участкалари
барча қурилиш
рухсатномалари
расмийлаштирил-
ганидан сўнг
АУКЦИОНГА
ЧИҚАРИЛАДИ.



Ўзбекистонда
541 минг нафар
фуқарога **103** триллион
сўм **АРЗОН** ИПОТЕКА
КРЕДИТЛАРИ ВА
СУБСИДИЯЛАР
ажратилган.

2026 йил
7 ФЕВРАЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №10

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРТИБ

ҚУРИЛИШДА ШАФФОФЛИК:

**Нима ишлатилса — аниқ ёзилади,
нима сотилса — очиқ кўринади,
қоидалар барчага бир хил**

2026 йил 1 июлдан бошлаб, электрон ҳисоб-фактура (ЭҲФ) тизимида қурилиш ресурсларига тегишли айрим Маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация кодлари (МХИК)дан фойдаланиш босқичма-босқич чекланади. Бу қарор кўпчиликка дастлаб қийин ва тушунарсиз туюлиши мумкин, ammo унинг асл мақсади — қурилиш соҳасида тартиб, аниқлик ва шаффофликни таъминлашдан иборат.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Аввалги амалиётда қурилиш маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари учун жуда умумий МХИК кодларидан фойдаланилган. Масалан, “қурилиш материаллари” ёки “таъмирлаш хизмати” каби кенг тушунчалар битта код билан расмийлаштирилган. Натижада қайси маҳсулот ишлатилгани, унинг сифати, ҳажми ва аниқ ўлчов бирлиги кўринмас эди. Бу эса солиқ ҳисобида ноаниқликка, айрим ҳолларда нархларни сунъий равишда ошириш ёки сифатсиз маҳсулотларни қиммат қилиб кўрсатишга сабаб бўлиб келган.

Шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси билан интеграция қилинди. Ушбу миллий классификаторда қурилиш ресурсларининг батафсил техник тавсифлари келтирилган бўлиб, 200 мингдан ортиқ деталлаштирилган МХИК кодлари яратилди ва ҳар бирига қатъий ўлчов бирликлари бириктирилди. Бу эса ҳар бир қурилиш ресурси аниқ ном, аниқ тавсиф ва аниқ ҳисоб-китобга эга бўлишини таъминлайди.



Бу ўзгариш, энг аввало, оддий халқ манфаатлари учун хизмат қилади. Энди қурилишда қайси маҳсулот ишлатилгани, унинг ҳажми ва сифати очиқ кўринади. Сифатсиз ёки арзон маҳсулотларни қиммат нархда расмийлаштириш имконияти камаяди.



Шу билан бирга, ҳалол ишланган тадбиркорлар учун ҳам адолатли рақобат муҳити яратилди, “соя”да ишлаётганлар бозордан сиқиб чиқарилади. Давлат учун эса солиқ тушумларини аниқ ҳисоблаш ва қурилиш соҳасини самарали назорат қилиш имконияти кенгайди.

Агар тадбиркор ўз маҳсулоти ёки хизмати учун мос ва аниқ МХИК кодни топа олмаса, бу масала ҳам ечимсиз қолдирилмаган. Улар “mkinfo.uz” платформасидаги шахсий кабинет орқали электрон рақамли имзо-

дан фойдаланиб, тегишли майдонларни тўлдирган ҳолда янги МХИК яратиш ёки мавжуд кодни аниқлаш учун электрон мурожаат юборишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ўзгариш оддий техник талаб эмас, балки қурилиш соҳасини тартибга солиш, шаффофликни таъминлаш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим кадамдир. Энди қурилишда нима ишлатилса — шу аниқ ёзилади, нима сотилса — шу очиқ кўринади ва ҳамма учун қоидалар бир хил бўлади.

СОЛИҚЧИ—КҮМАКЧИ

“Ҳалоллик ва қонунга ҳурмат ҳаётимнинг мезонига айланган”

Асосий куч ва ҳақиқий муваффақият нимада, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан она меҳри ва дуосида, деб жавоб бераман. Ҳар тонг ишга онангиз дуоси билан йўлга чиқсангиз, қалбингиз хотиржам бўлади. Ана шу хотиржамлик ҳар бир ишда унум ва баракани олиб келади. Чунки ҳалол хизмат ортида — ота-она дуоси, масъулият ва фидойилик туради.



Аббос ҲАНИЕВ,
Мирзачўл туманидаги “Пахтазор” ва
“Тошкентлик” маҳаллалари солиқ инспектори.

Мен солиқ тизимида фаолият олиб бораётган ходим сифатида шунга қатъий ишонаманки, солиқ ходими, аввало, ҳалолликни ҳаётим қондасига айлантирган, қонун устуворлигини ҳурмат қилувчи, ўз устида доим ишлайдиган, билимга чанқоқ ва талабчан мутахассис бўлиши шарт. Ана шундай ходимлар сафига бўлишга интилган ҳолда, ҳалолликни ўзим учун энг асосий мезон, деб биламан. Утган йили менга бириктирилган маҳаллаларда солиқ тушуми белгиланган режага нисбатан 125,5 фоизга бажарилди. Бунинг ортида одамлар билан мулоқот, ишонч ва тушунтириш ишлари турибди.



...Қулларнинг бирида маҳалламизда яшовчи талаба билан суҳбатлашиб қолдим. У шартнома асосида ўқитганини, ammo солиқ тизимида мавжуд 12 фоизлик даромад солиғи бўйича шартнома тўловини қайтариб олиш имконияти ҳақида фақат эшитиб юргани, лекин унга ҳеч қачон жиддий эътибор бермаганини айтди. Аслида, кўплаб талабалар ана шу имкониятдан беҳабар ёки уни қандай амалга оширишни билмайди.

Мен солиқ инспектори сифатида унга ушбу имтиёзнинг мазмун-моҳиятини, қандай ҳужжатлар талаб этилишини, электрон тарзда ариза топшириш босқичларини бирма-бир тушунтирдим. Натижада у нафақат шартнома тўловининг бир қисmini қайтариб олиш мумкинлигини билиб олди, балки солиқ тизимига бўлган қараши ҳам ўзгарди.

Суҳбат жараёнида у келажакда тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борлигини билдирди. Шунга кўра, унга тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш, солиқ турлари, имтиёзлар ва қонуний фаолият юритишнинг аҳамияти ҳақида керакли билимларни бердим. Унинг кўзидея ишонч ва қизиқиш пайдо бўлганини кўриб, қасбимдан яна бир бор фخرландим.

Чунки ҳар бир солиқ ходимининг вазифаси — аҳолига кўмак бериш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва келажакда ишонч уйғотишдир. Бир талабага берилган тўғри маълумот — эртанги ҳалол тадбиркор, қонунга ҳурмат билан қарайдиган фуқарони тарбиялаш демекдир!

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЛАРИ

“ХУНАРИМНИ ЯХШИ БИЛАРДИМ, ЛЕКИН СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИДА ҚИЙНАЛАР ЭДИМ...”

Беруний туманидаги Шимом овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Хунарманд ҳожи она корхонаси” бугун кўплаб аёллар учун нафақат иш жойи, балки умид ва имконият манбаига айланган.



Сожида ЭШМАТОВА.

Ушбу корхонага тажрибали хунарманд, меҳнаткаш аёл — Жумагул она Рейимбоева раҳбарлик қилади. Мазкур тикиш цехида ҳозирда 20 турдан ортиқ тикувчилик маҳсулотлари, жумладан, кўрпа, кўрпача, ёстиқ ва келинлар учун сарполар тайёрланмоқда. Корхонада, асосан, пахта ва синтифон хомашёсидан фойдаланилади. Маҳсулотлар Хитой технологияси асосида, замонавий тикиш ускуналари ёрдамида ишлаб чиқарилиб, ички бозорга йўналтирилади. Замонавий тикиш машиналари орқали бир дона кўрпа атиги 3 дақиқада тайёр бўлиши иш унумдорлигини янада оширган.

Бугунги кунда цехда 6 нафар доимий ишчи фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, Жумагул она ўз меҳнат фаолияти давомида 100 нафардан ортиқ шогирд тайёрлаган. Айниқса, келинларнинг ҳам бу хунарни эгаллаб, иш жараёнида фаол иштирок этаётгани оилавий тадбиркорлик аъёналарининг изчил давом этаётганидан далолат беради.

Корхона фаолиятининг дастлабки йилларида солиқ масалалари Жумагул она учун энг катта қийинчиликлардан бири бўлган. Хусусан, у яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қайси солиқ турини тўлаш, ойлик ҳисоботларни қандай тўлдириши, ишчилар учун ижтимоий солиқни қандай ҳисоблаш масалаларида иккиланаётган эди. Масалан, у маҳсулот сотишдан тушган даромад билан ишчиларга тўланган иш ҳақини алоҳида ҳисобга олиш лозимлигини билмаган. Натижада биринчи ойларида ҳисоботлар нотўғри тўлдирилиб, қайта топширишга тўғри келган.



Шунингдек, электрон солиқ тизими орқали ҳисоб топшириш, онлайн тўлов қилиш каби замонавий усуллар ҳам унга аввалига мураккаб туюлган. “Хунаримни яхши билардим, лекин солиқ тизими ҳақида қайси солиқ-китоблар мени анча қийнади”, — дейди Жумагул она.

Ана шу пайтда маҳалладаги солиқ инспектори кўрсатаётган амалий ёрдам бу муаммоларни хал қилишда муҳим аҳамият касб этди. Солиқ ходими корхонага бир неча бор келиб, қайси солиқ тизими энг маъқул эканини, имтиёزلардан қандай фойдаланиш мумкинлигини, ишчиларни расмий ишга қабул қилиш тартибини батафсил тушунтириб берди. Шунингдек, электрон кабинет очиб, ҳисоботларни онлайн тарзда юборишни амалда кўрсатиб, ҳар бир тўлов турини мисоллар билан изоҳлади.

Натижада Жумагул она солиқ мажбуриятларини ўз вақтида, қонун доирасида бажара бошлади. Бугун у солиқ тўлашни ортқача юк эмас, балки фаолиятининг қонуний ва барқарор бўлиши учун муҳим омил сифатида қабул қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“Онам ҳовлини бошқа кишига ҳада қилмоқчи...”

Элбек САТТОРОВ.
Сирдарё вилояти:


— Ўзим, аёлим ва фарзандим онамнинг номидаги ҳовлида у киши билан бирга яшаймиз. Онам ушбу ҳовлини бошқа шахс номига ҳада қилиб ўтказиб бермоқчи. Биз ҳам шу ерда руйхатда турамиз. Онам ҳовлини бировнинг номига ўтказиши учун бизнинг розилигимиз керакми?

Мирсаид МИРМАҚСУДОВ,
Кадастр агентлиги
директори ўринбосари:

— Фуқаролик кодексининг 164-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахсининг ўз мол-мулкни эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини ўз хошишига кўра амалга оширишни назарда тутди. Шу асосда, онангиз мулкдор сифатида ҳовлини ўз хошишига кўра сотиши, ҳада қилиши ёки бошқа тарзда тасарруф этиши мумкин. Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, онан-

гиз билан доимий яшовчи оила аъзолари ва воёга етмаган фарзандлар ҳовлидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ уларга яшаш имкониятини беради, лекин мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини бермайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, онангиз мулкдор сифатида ҳовлини ўз хошиши ва манфаатини ҳисобга олган ҳолда, ҳада қилиш ёки сотиш ҳуқуқига эга. Сиз ва оилангиздан бундай ҳаракатлар учун розилик талаб қилинмайди. Сизлар мулкни тасарруф этиш эмас, фақат яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Йўл қоидалари бузилгани фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилганда МАЪМУРИЙ ЖАЗО 1 ОЙДАН КЕЧИКТИРМАЙ қўлланади.



“ТОШКЕНТ – САНКТ-ПЕТЕРБУРГ – ТОШКЕНТ” йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилади. Чипта нархи 1 миллион 200 минг сўм.



Ўзбекистон С-390 “Millennium” транспорт самолётини эксплуатация қиладиган МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БИРИНЧИ ДАВЛАТГА айланади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



БИРЛАШГАН — ЎЗАР, БИРЛАШМАГАН — ТЎЗАР

ҲУҚУҚНИ БИЛМАСЛИК — АЙБ!

Жиноятнинг камайгани эмас, умуман бўлмагани муҳимроқ

“Қаерда ҳаёт сифати яхшиланса, даромад кўпайса, ўша ерда “енгил пул топиш” ҳаракатида бўлган жиноий тузилмалар ҳам фаоллашади. Жиноятнинг янги усул ва воситалари, энг аввало, шу ерда пайдо бўлади”

ОСОН ПУЛ ТОПИШ ОРЗУСИ ОДАМНИ АҚЛДАН ОЗДИРАДИ

Азиз ОБИДОВ, Олий суд матбуот котиби.

Бу — Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтилган фикрлар. Дарҳақиқат, бугун пойтахтда ҳаёт сифати яхшиланиши баробарида мана шундай осон йўл билан пул топишни ўзига касб қилиб олаётганлар сони ортиб борапти.

Аҳолининг фирибгарлар қопқонига тушиб қолишининг асосий сабаби — ҳуқуқий саводхонлик етишмаётгани бўляпти. Мисол учун, сўнгги пайтларда “молиявий пирамида”чиларга алданиб қолаётган аҳоли вакиллари тез-тез учраяпти. Ўрганишларга кўра, пойтахтда биргина кўчмас мулк савдоси орқали 3 минг нафардан зиёд фуқарога 1 триллион 300 миллиард сўм зарар етказилган.

Бу тузоқ жуда оддий тартибда ишлайди. Унда янги иштирокчилардан тушган пул эскиларига қайтарилади. Пул оқими тўхтаганда тизим ҳам қўлайди. Аввал ҳаммаси чиройли бошланади. Бир ойда икки баробар даромад топиш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Айна шу жумлалар кейинчалик минглаб одамларнинг молиявий ҳалокатига сабаб бўлади. Охирида эса ютганлар тизим бошидагилар, ютказган оддий аҳоли бўлиб чиқади.

Бунга кўплаб мисоллар бор. Айтилик, одамлардан маълум миқдорда пул олиб, кўп қаватли уй қуриб беришни ваъда қилишди. Лекин амалда ваъда бажарилмади. Ёки автофирмалар фаолиятининг ўзига республика бўйича фуқароларга 80 миллиард сўмдан ортик зарар етказилган.

Бу каби фирибгарлик тузоғи бир инсон ёки бир неча фуқарога зарар етказиб қолмайди. Унинг яна бир салбий таъсири — шахснинг ташкилотларга, давлат органларига бўлган ишончини йўқотади. Янада ташвишлики, хорижий инвесторлар ишончига путур етади. Чунки ҳамма ҳам маблағи ва ҳодимлари хавфсиз муҳитда бўлишини истайди. Хавфсизлик йўқми, инвестиция ҳам бўлмайди. Қўрқисизми, битта занжир болганини бутун бир иқтисодий ва ижтимоий соҳага салбий таъсир кўрсатмоқда.



Таҳлилларга кўра, бунинг асосида уч омил ётади: тез бойиш истаги, молиявий саводхонлиқнинг пастлиги ва ишонч психологияси.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Улугбек МЕҲМОНОВ, Чилонзор туманидаги “Дилобод” маҳалласи профилактика инспектори.

Юрсам ҳам, турсам ҳам “Нима қилсам, маҳаллада жиноят содир бўлмайди?”, деган савол ўйлантиради. Бу туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгига шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш учун “еттилик” билан елкадошимиз. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда “фуқаробай” ишлаш орқали ижтимоий профилактикани таъминлаб, “Хавфсиз ҳудуд” тамойили асосида иш олиб бораёмиз.

Аслида ҳам, машина қатнови бузилиши одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб, оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериши миллий қадриятимиз ҳисобланади. Шу маънода жиноятларни жилавланда ҳамма тенг ҳаракат қилиши керак.

Маълумки, ишсизлик — жиноятга сабаб бўлувчи асосий омил. Бу камчиликни бартараф этишда раис ва ҳоким ердამчиси билан ҳамкорликда ишляёмиз. Мисол учун, 2 та низоли оиладаги жанжалнинг илдизи ишсизликда экани аниқланди. Уларни доимий ишга жойлаганимиздан кейин муаммо ўз-ўзидан барҳам топди. Қолаверса, жараёнда нафақат фуқаролар, балки ёш кекса “еттилик”ка ёрдам бериши лозим. Кўп қаватли уйларида яшовчилар велосипед, болалар аравачаси ёки автомобилни қаровсиз қолдираверса, бу – жиноятчиларга тайёр имконият, дегани. Афсуски, айрим инсонлар шу каби эътиборсиз бўляпти. Кунни кеча кўп қаватли уйлар атрофида назорат олиб бораётганимда автомобиль эшиги очик қолгани аниқланди. Машина эгасига тегишли равишда тушунтириш бериб, огоҳлантирдик. Эҳтимолий жиноятнинг олди олинди. Лекин ҳамма вақт ҳар бир уй, кўчага кира олмаймиз.

Биламизки, кузатув камераси ва ташвиш тугмалари жиноятларнинг олдини олишга ёрдам беради. Шу маънода 2025 йил ҳудудга 9 та ташвиш тугмаси ўрнатилган эди. Унинг афзаллиги, хабар келгач, ходимлар воқеа жойига 3-5 дақиқада етиб боради. Бу борада ҳам бефарқлик кузатилмоқда. Шу давргача бирорта ҳолатда фуқаролар ундан фойдаланмади. Натияжада 34- ва 29-кўп қаватли уйлар атрофида содир этилган жиноятнинг вақтида олдини ололмадик, воқеадан кеч хабар топдик.

Президентимиз раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу — кун тартибининг долзарб масаласига айланди. Ҳўш, видеоселектор йиғилишидан кейин қандай ўзгариш бўлди? Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни яратиш бўйича “пойтахт намунаси”

Чилонзор туманида жорий этилган, бизга яқиндан ёрдам бериш учун 4 нафар курсант бириктирилди. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда замонавий ёндашувни жорий этиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги академиясидан мутахассислар келиб, 3 йиллик жиноятларни ўрганмоқда. Шунга асосан, эҳтимолий жиноятларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Қўшимча 32 та кузатув камераси ўрнатиш белгиланди.

Ўтган йилги натижаларни таҳлил қилсак, бир қарашда ахвол ёмон эмас. Йиллар кесимида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар қисқарган. 2024 йилда 17 та жиноят содир этилган бўлса, 2025 йилда бу рақам 6 тани ташкил этди. “Қизил” тоифадан “сарик”ка ўтдик. Аммо маҳалла учун битта жиноят ҳам кўп экани бизни янада сергаклантиради. Аслида, маҳаллада жиноят камайгани эмас, умуман содир бўлмагани ишмишни кўрсатувчи баҳодир.



Ҳўш, бу каби алдовлардан ҳимояланиш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг энг яхши йўли — билим. Ҳар қандай сармоядорликни тўлиқ тадқиқ қилиш, суриштириш ва профессионаллардан маслаҳат олиш керак. Молия ва инвестициялар борасида зарур кўникмага эга фуқаро “молиявий пирамида”га алданиб қолмайди.



Ушбу сондаги барча мақолалар матнни мустахкам Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сардор МАЛИКОВ, Кўрғонтепа тумани: — Оиладаги келишмовчилик сабаб, эр аёли ва вояга етмаган фарзандларини уйдан ҳайдаб чиқаришга ҳақлими? Шундай вазиятда аёл эрининг устидан ўзи ва фарзандларини уй-жой билан таъминлашни сўраб, судга мурожаат қилса бўладими?

Ота фарзандларини уй билан таъминлашга мажбурми?

Иброҳим ЁҚУБЖОНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Кўрғонтепа туманларо судининг судьяси:

— Қонунчиликда эр-хотин ёки ота-онага фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мажбурияти назарда тутилмаган. Лекин аёл келин бўлиб тушган уй-жойга яшаш учун киритиб қўйиш юзасида даъво билан судга мурожаат қилса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодексининг 32-моддасида уй, квартирадаги хоналардан мулкдорнинг оила аъзолари, шу жумладан, у билан доимий яшаётганлар тенг фойдаланишга, мулкдор берган тураржойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини қўчириб киритишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Тураржой мулкдорининг оила аъзолари, деб у билан доимий яшаётган эр ва уларнинг фарзандлари тан олинган. Шунингдек, бу тоифадаги низолар кўриб чиқилаётганда суд тарафлар келишувига асосан, мулкдорнинг розилиги билан даъвогарнинг талабига мутаносиб шароитга эга бўлган бошқа тураржойга киритиш ёки ижарага олинган уй учун ижара ҳақини тулаш мажбуриятини юклаши мумкин.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 800 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-220

